



ОДАМ САВДОСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мустофақулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, капитан

Мамарахимов Азизбек Маматқосим ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги
бўйича таълим олаётган 3-ўқув курси 308-ўқув гуруҳи
курсанти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17551302>

ARTICLE INFO

Received: 1st November 2025
Accepted: 2nd November 2025
Published: 6th November 2025

KEYWORDS

*Одам савдоси, ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси, виктимологик
профилактика, одам савдосига
қарши курашиш тўғрисидаги
қонун.*

ABSTRACT

*Ушбу мақолада ҳозирда мамлакатимизда
оммалашиб бораётган “Одам савдоси”
жиноятларининг виктимологик профилактикаси
масалалари тўғрисида олимларнинг фиклари,
ушбу соҳада юзага келаётган муаммолар ва
уларнинг ечимлари ҳамда хорижий давлатларнинг
ижобий тажрибаси ҳақида сўз юритилади.*

Сўнги йилларда илм, техника ва ахборот технологиялари шиддат билан ривожланиши шароитида халқаро миграция жараёни ҳам анча тез фаоллашиб, фуқароларимиз томонидан ҳар хил давлатларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш ва ўқиш имкониятлари юзага келмоқда. Аммо, халқаро ҳамжамиятда ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда трансмиллий жиноятлар сонининг кўпайиши ҳам кузатилмоқда. Одам савдоси жинояти ҳам ана шундай жиноятлар туркумига киради. Бугунги кунда одам савдоси кўпчилик давлатлар учун миллий хавфсизликка таҳдид солувчи, иқтисодиёт, жамиятнинг ижтимоий пойдеворига путур етказувчи ва давлатнинг сиёсий имижига катта зиён етказувчи трансчегаравий хавф сифатида намоён бўлмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотига кўра, бугунги кунда дунёнинг 118 та мамлакатида 136 дан ошиқ миллат вакиллари ташкил қилувчи 20 миллиондан кўпроқ киши одам савдоси қурбонига айланмоқда. Миграция бўйича ташкилотнинг маълумотларига кўра, одам савдосидан жабр кўрганларнинг 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил қилади¹. Одам савдоси халқаро уюшган жиноятчиликнинг таркибий қисми, глобал жиноий ҳодиса бўлиб, у, тобора кенгайиб бораётганлиги сабабли, бугунги кунда кўплаб мамлакатларни жиддий ташвишга солаётган муаммо ҳисобланади². Ҳозирги вақтда одам савдоси ўта мураккаб ва ижтимоий хавfli ҳодиса тусини олган бўлиб, у томонидан етказилаётган зарарни амалда ҳисобга олиш имконияти йўқдир. Бу эса турли хил жиноятларни содир этилишига туртки бўлиб, жамиятни моддий техник, интеллектуал салоҳиятини пасайтиради, унинг генофондини бузади. Одамлар савдоси

¹ Отчёт ООН: 118 странах мира торгуют людьми. www.un.org/russian/news.

² Рустамбаев М.Х. Одам савдоси. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. 3б

– бугунги кунда энг катта муаммолардан бири. Унинг бозори гиёҳвандлик восталари ва қурол-яроғ савдосидан кейин учинчи ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида *“Бутун дунёда кузатилаётган иқтисодий ва сиёсий инқирозлар, зиддиятлар, экологик муаммолар, кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хатарларни инobatга олган ҳолда марказ ва жойлардаги вакиллик, ижроия ва суд ҳоқимияти, бизнес ҳамжамият, фуқаролик жамияти институтлари олдида турган устувор вазифалар белгилаб берилди*³ деб таъкидлаганлар.

2003 йилда Ўзбекистон БМТнинг 1949 йил 2 декабрдаги “Одамлар савдоси ва фоҳишабозликни учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияга қўшилди, 2008 йилда эса одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосини олдини олиш ва бу қилмиш учун жазолаш тўғрисидаги, БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенциясини тўлдирувчи Протоколни ратификация қилган ва шу билан одамлар савдосини аҳолига маълумот бериш, қурбонларни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган дастурларни қўллаб қувватлаш ва ўтказиш орқали олдини олиш ва барҳам бериш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

Бугунги кунда дунё бўйлаб тахминан 45,8 миллион киши замонавий куллик тузоғига тушиб колган. Бирок, аник статистик малумотларни аниклаш кийин, чунки одам савдосининг кўплаб жойларида аникланмай қолган ҳолатлар мавжуд. 30 июль – Бутунжаҳон одам савдосига қарши кураш куни⁴ ҳисобланади.

Одам савдоси соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қаршикураш соҳасида энг муҳим, самарали йўналишлардан бири ушбу турдаги жиноятларнинг виктимологик профилактикаси ҳисобланади. Профилактика инспекторининг одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар криминалогик тавсифига доир фаолиятининг асосий мақсади ушбу ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини самарали ташкил этиш, мазкур ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни аниклаш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш, ушбу ҳуқуқбузарликларни содир этган (содир этишга мойил бўлган) шахсларни аниклаш ва улар билан профилактик ишларни тизимли равишда олиб борилишини таъминлашдан иборат. Одам савдоси соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

– одам ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг дахлсизлигини таъминлаш;

– фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантириш ва ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳиссини уйғотиш;

– фуқароларни одам савдоси соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфи ҳақида огоҳ этиш, шунингдек уларнинг жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш;

– фуқароларни одам савдоси соҳасидаги ҳуқуқбузарликлардан ҳимояланишнинг усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш;

– одам савдоси соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниклаш ва уларга барҳам бериш;

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси <https://president.uz/uz/lists/view/5774>.

⁴ <https://uz.hook.report/2022/07/odam-savdosi/>.

–одам савдоси соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш;
–одам савдоси соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш;
–одам савдоси соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил ёки содир этганлиги учун илгари судланган шахслар билан тезкор-профилактик тадбирларни амалга ошириш;
–жабрланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;
–одам савдоси соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи субъектлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

Юридик фанлари доктори, И.Ю.Фазилов ўз тадқиқотида одам савдосининг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари (тушунчаси, чора-тадбирлари, принциплари, субъектлари тавсифи) аниқлаштирилган. Жумладан, қуйидаги таърифлар ишлаб чиқилган/

Бу борада ички ишлар органлари тизимида муайян тартиб шаклланиб улгурган. Бунга «Антитеррор», «Арсенал», «Автопатруль», «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги», «Назорат», «Орият», «Ойна», «Паспорт-виза», «Спитамен», «Тозалаш», «Қорадори», «Қидирув», «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» каби махсус ҳамда тезкор профилактик тадбирларнинг ички ишлар органлари тизимида ички буйруқлар асосида ташкил этилиши ва амалга оширилиб келинаётганлигини мисол сифатида келтириш мумкин.

Уюшган жиноятчилик, хусусан халқаро терроризм, наркобизнес, қурол-аслаҳаларни ноқонуний сотиш билан боғлиқ ўта оғир жиноятлар қаторида одам савдосининг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш муаммоси нафақат халқаро ҳуқуқ, миллий ҳуқуқ тизими учун ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ушбу муаммо умумжаҳон миқёсда эътироф этилиб, кўпгина олимлар ва тадқиқотчилар томонидан чуқур ўрганилаётганлигига қарамасдан, бу борада ҳозирга қадар етарлича умумлашган маълумотлар тақдим этилмаган. 2000 йилдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясига одам савдоси ва айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва тақиқлаш ҳамда бундай хатти-ҳаракатларга нисбатан жазо қўллаш тўғрисидаги қўшимча Баённома”да “одамлар савдоси” тушунчаси ўзининг расмий изоҳига эга бўлди.

Баённомага биноан, “одамлар савдоси” эксплуатация қилиш мақсадида одамларни куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан қўрқитиб ёхуд бошқача мажбурлаш чораларини қўллаб ёхуд ўғирлаб ёки фирибгарлик йўли билан ёхуд алдаш ёки давлат ваколатларини, тутган мавқеини суистеъмол қилган ҳолда ёки бир шахснинг назоратидаги бошқа бир шахсни сотиб олиш йўли билан уларни ёллаш, ўтказиш, ташиш, сақлаш ёки уларни олиш ҳисобланди.

Одам савдоси жиний фаолиятнинг ўта хавfli ва таҳқирловчи туридир. Таҳқирланиш шунда намоён бўладиги, мазкур жиноят қулликка ўхшаш шаклларда содир қилинади. Бундан ташқари, инсонни эксплуатация қилиш, инсонни “товар” сифатида сотиш, инсон омилларидан фойдаланиш йўли билан даромад орттириш билан боғлиқлиги сабабли таҳқирловчи мазмун-моҳият касб этади.

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган ушбу ислоҳотлар натижасида, бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Аввало, бу даврда одам савдоси жиноятларига барҳам беришнинг ҳуқуқий норматив базаси шакллантирилгани эътиборга лойиқдир. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексига илк бор одам савдосига қарши курашиш мақсадида бундай ҳаракатлар учун жиний жавобгарлик белгиланди. Шу билан бирга одам савдоси трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган жиноят эканлиги ҳисобга олиниб,

Ўзбекистон Республикаси томонидан бундай салбий ҳолатларга қарши курашиш борасида халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2020 йилнинг 17 августда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги янги тахрирдаги қонуннинг қабул қилиниши бу жиноятнинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш билан бирга, одам савдосидан жабрланганларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишнинг чораларини ўз ичига олди⁵.

Қонунда бевосита одам савдоси жинояти тушунчаси, одам савдосига қарши курашишни ташкил этиш, одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари фаолияти, айниқса одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш масалалари алоҳида эътиборга олинган. Қонунда мазкур жиноятдан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни нормал турмуш тарзига қайтариш, мазкур шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш, уларни психологик, тиббий, касбий реабилитация қилиш, ишга жойлаштириш, вақтинчалик турар жой бериш масалалари алоҳида назарда тутилган. Қонуннинг 14-моддаси одам савдосига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини яратади.

Шуни эътиборга олиш лозимки, ўрганиб чиқилган жиноий ишлар таҳлилига кўра, аксарият ҳолатларда жабрланувчилар ушбу жиноятга алдов йўли билан жалб қилинганлар. Яъни одам савдосини амалга оширувчи шахслар томонидан алдов усули кенг қўлланилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши кураш борасида одам савдоси жиноятига қарши курашишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш; одам савдосига қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти; унга қарши курашда халқаро ҳамкорлик; профилактик характердаги чора-тадбирларни амалга ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Одам савдосига қарши курашиш қонунийлик, одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги, одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик, ижтимоий ҳамкорлик, ижтимоий ҳимоялаш каби принципларга асосланади.

Таҳлилларга кўра, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар сони республикамизда йилдан йилга ошиб бормоқда.

Одам савдоси муаммосига қарши курашишда аҳолининг бу борадаги билимларини ошириш, оммавий ахборот воситалари орқали унинг қурбонлари билан суҳбатлар уюштириш, одам савдосининг бутун мудҳиш ҳолатларини тасвирлаб бериш ҳам самарали воситалардир. Бутун аҳоли, айниқса, ёшлар ушбу жиноий қилмишнинг қурбонига айланиб қолмасликлари учун эҳтиёт бўлишлари, хорижий мамлакатлардан таклиф этилаётган ҳар қандай иш, хизматларни шахсан ўзлари текшириб кўришлари, нотаниш шахсларнинг таклифларига ишонмаслик ҳамда уларга ўз ҳужжатларини бериб қўймаслик лозимлигини билишлари керак.

Масалан, одам савдосидан жабрланган шахс бу – одам савдосидан, бундай ҳаракатга розилик берганлиги-бермаганлигидан ва жиноят процессида иштирок этганлиги-этмаганлигидан қатъи назар, жабрланган жисмоний шахсдир. Шунингдек, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс – дастлабки идентификация қилиш натижасида одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс сифатида тан олинган жисмоний шахсдир. Амалда эса одам савдосидан жабрланган шахс Жиноят кодексининг 135-моддаси диспозицияси мазмунига кўра, маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилган деб ҳисоблаш учун

⁵ 2020 йилнинг 17 августда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги янги тахрирдаги қонуни. <https://lex.uz/docs/4953314>.

етарли далиллар бўлган тақдирда, у суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримига асосан жабрланувчи деб эътироф этилади⁶.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, одам савдоси жинояти аксарият ҳолларда алдов усули билан амалга оширилаяпти. Шу сабабли жиноятларнинг олдини олиш мақсадида меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда профилактика мақсадида учрашув ва суҳбатлар ўтказиш, содир этилган жиноятларнинг сабабларини ва уларнинг оқибатлари фуқароларга етказиб турилишини таъминлаш лозим. Ҳар бир маҳаллада ҳизмат олиб бораётган профилактика инспекторлари ўзининг маҳалласида одам савдосини олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни самарали амалга оширса бу маҳалласининг тинчлигига ва ватанимизнинг келажақда одам савдосидан ҳоли худудга айланишига ҳизмат қилади. Бу эса фуқароларнинг одам савдосидан жабрланишининг олди олинишига ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Отчёт ООН: 118 странах мира торгуют людьми. www.un.org/russian/news.
2. Рустамбаев М.Х. Одам савдоси. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. 3б
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси <https://president.uz/uz/lists/view/5774>.
4. <https://uz.hook.report/2022/07/odam-savdosi/>.
5. 2020 йилнинг 17 августда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги янги тахрирдаги қонуни. <https://lex.uz/docs/4953314>.
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. <https://lex.uz/acts/111453>.
7. Mustofaqulov B. A. O' va boshqalar. PROFEKTIKA INSPEKTORLARI TOMONIDAN FUKAROLARNING OZINI OZI BOSHQARISH ORGANLARIDA HISOBOT BERISH FAOLIYATINI TAKOMILLASTIRISH //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – V. 2. – No 4. – B. 133-139.
8. Abdurazoqova, Gulzoda Rustamovna. "TASHKIL MASSASALARINI TAKMONLASH UCHUN JAZOSI O'TKAZISH MURASALARI MAS'ULdir". (2024): 60-65.
9. ugli G'ofurov, A. A., & o'g'li Mustofaqulov, B. A. (2024 yil, dekabr). HUQUQCHIYLIK profilaktikasi XIZMATINDA KADRLARNI TA'LIM OLIHNING SAMARALI TIZIMINI TAKMONLASH. XALQARO ILMIY KONFERENSIYADA "ILMIY ILIMLAR VA INNOVATSION YUNDASHISHLARI" (1-jild, 2-son, 16-22-betlar).
10. 2020 йилнинг 17 августда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги янги тахрирдаги қонуни. <https://lex.uz/docs/4953314>.
11. Mustofaqulov, Bobur Asror Ohli, Atabek Sultonbek Uly Allamuratov. "AHOLI OLDIDA HISOBOT BERISHDA DAVLAT ORGANLARI BILAN OZARO HAMKORLIGINI profilaktika inspektorlari." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2-2 (2025): 67-72.
12. Bobur, Mustofaqulov, Asror Ohli va Umidjon Jamoliddin Ohli Obidjonov. "PRAFAKTIKA INSPEKTORIYA HUQUQBUZARLIKLARNING YAKKA TARTIBDAGI PROFILAKTIKA BOYICH FAOLIYATINI TAKOMILLASTIRISH." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2-2 (2024): 33-39.
13. Mustofaqulov, B., & Abduxalilov, J. (2025). MENNAT ORGANLARI BILAN OZARO HAKORLIGINI TAKOMILLASTIRISH PROFILAKTIKA INSPEKTORI. Yangi O'zbekiston akademik tadqiqotlari jurnali , 2 (1, 2-qism), 48-53.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. <https://lex.uz/acts/111453>.